

---

## Марғилон шаҳридаги Зухро маҳалласи ҳудудида аҳоли учун узлуксиз хизмат кўрсатадиган тиббий хизматлар маркази очилди

Вилоят Ногиронлар ассоциациясига қарашли “Замин меҳр дурдоналари” унитар корхонаси қошида хусусий тадбиркор Муқаддамхон Ғрмонова ташаббуси билан янги ташкил этилган ушбу тиббий хизматлар марказида эндиликда беморларга узлуксиз тиббий муолажаларни олишларига имконият яратилди.

Марказнинг ишга туширилиши натижасида 3 та янги ишчи ўрни яратилди. Қувонарлиси, ушбу тиббий пунктда маҳалла ҳудудида яшовчи кам таъминланган ва ногиронлиги бор бўлган фуқароларга бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

2024-08-03 18:33:45